

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

**“ЮМШОҚ ЎЙИНЧОҚЛАР” ТЎГАРАГИ
ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАСИ**

ТОШКЕНТ-2013

Муаллиф: **Н.Степанюк** - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази тўғарак раҳбари

Тақризчилар: **Ф.Шобаратов** - Низомий номидаги Тошкент Давлат Университети “Амалий санъат” кафедраси катта ўқитувчиси.

М.Рахимжонов - 1-сонли Тошкент педагогика коллежи етакчи ўқитувчиси.

Н.Шомансурова - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Ушбу қўлланма Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 3 сентябрдаги 259-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Юмшоқ ўйинчоқлар” тугараги ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Мазкур қўлланма “Баркамол авлод” болалар марказлари, таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалар қошида ташкил этилган “Юмшоқ ўйинчоқлар” тўғарак раҳбарлари учун тавсия қилинади.

Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 13 августдаги навбатдан ташқари 6-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“Юмшоқ ўйинчоқлар” тўғарагининг биринчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув қўлланмаси

1. Кириш.

Юмшоқ ўйинчоқларни тайёрлаш санъати қадимги халқ амалий санъатининг турларидан бири ҳисобланади. Ўйинчоқларни тайёрлаш халқларнинг урф-одатлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган.

Масалан, юмшоқ ўйинчоқлар ўрмонга бой ҳудудларда дарахтлардан, соз тупроқли ерларда лойдан, пахта экиладиган жойларда эса турли-хил газламалардан тайёрланган.

Мамлакатимиз ҳудудидан топилган ўйинчоқлар эрамизгача бўлган 2000-йилга тўғри келади. Улар турли-хилдаги газламалардан тайёрланган ҳайвончалар, қўғирчоқлар ҳамда турли хилдаги рўзғор буюмлардан иборат бўлган.

Юмшоқ ўйинчоқлар тўғарагининг бола тарбиясидаги ўрни жуда каттадир. Болалар ёшлигиданоқ бир-бирига меҳрли, иноқ, болапарвар бўлиб вояга етишида бу тўғаракнинг ўрни бекиёс. Шунингдек, бу иқтисодий жиҳатдан ҳам оилага фойда келтиради. Чунки ўйинчоқни сотиб олишдан кўра уни яшаш анча қулай ва арзонроқдир.

Тўғарак фаолиятининг мақсади- болаларни ўйинчоқлар дунёси билан таништириш, уларни турли хил ўйинчоқ намуналарини яшаш кўникмаларини ҳосил қилиш, мустақил меҳнат қилишга, ижодий дунёқарашини бойитишга, ўйинчоқларни тўғри яшаш, хом-ашёлар, рангларни тўғри танлай олишга ўргатиш, болаларни ижодкорлигини ошириш ва касбга йўналтиришдан иборат.

Тўғаракнинг вазифаси- ўқувчи-ёшларга турли хилдаги юмшоқ ўйинчоқларни мустақил яшаш, бу орқали болаларга ўзбек халқ эртақларида илгари сурилган миллатга хос бўлган ижобий хислатларни сингдиришдан иборат.

2. Тўғарак машғулотида фойдаланиладиган иш қуроллари ва техника хавфсизлиги қоидалари.

Юмшоқ ўйинчоқларни яшашда қайчи, турли игналар, ангишвона, линейка, пахта ёки синтефон, электр дазмоллардан, тикув машинасида фойдаланилади.

Электр дазмол билан ишлаганда қўидаги техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш керак:

- дазмол шнурини текислаб қўйиш;
- дазмолни меъёридан ортиқ қиздириб юбормаслик;
- дазмол тагликка қўйилиши;
- иш тугагач, уни совутиб ўз жойига қўйиш керак.

Тикув машинасида ишлашда қўидаги техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш керак:

- машинада ишлашда қўл ва оёқларнинг туришига алоҳида эътибор бериш керак;
- иш вақтида тасмани ўрнатиш мумкин эмас;

- тасмани қўл билан ушламаслик керак, акс ҳолда қўлни жароҳатлаши мумкин;
- игнага ип ўтказишда оёқни тепкидан олиш керак;
- қўлни игнага нисбатан тўғри тутиш зарур.

Игна, тўғнагич, қайчи билан ишлашда қуйидаги техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш лозим:

- игна, тўғноғичларини махсус идиш ва ёстикчаларда сақлаш;
- ишни ангишвона ёрдамида тикиш;
- игна синикларини атрофга ташламаслик;
- қайчи, игналарнинг ўлчамларини тикилаётган кийимга мос бўлиши;
- қайчини махсус идишда сақлаш;
- қайчини бир-бирига узатишда отмаслик, учини узатилаётган одамга қаратмаслик керак.

3. Газлама танлаш ва андоза ёрдамида чизиб, тикиш.

Юмшоқ ўйинчоқларни тикишда ҳар бир ўйинчоқ турига қараб мато танланади. Кейин андоза ёрдамида ўйинчоқ шакли чизилади ва андоза асосида тикилади.

Тўғарак раҳбари тўғарак аъзоларига ҳар хил газламаларнинг тавсифи, толавий таркиби, бу газламадан қандай буюм тикиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради.

Акрил — синтетик тола, енгил, юмшоқ, алоҳида эътиборни талаб қилмайди, берилган шаклни яхши сақлайди.

Алак — юпка зич тўқилган ипак газлама бўлиб, асоси ялтирамайди. Ўнгидаги гуллар, ҳар хил геометрик шаклларда ялтироқ бўлади.

Духобанинг асоси табиий ёки кимёвий толадан тўқилиб, ўнги 1-2 мм ли туқлардан иборат бўлади.

Пахмоқ — бир томонида туки бўлиб, саржа ва полотно ўрилишида тўқилган ип газлама. Жуда юмшоқ, майин, иссиқни яхши сақлайди. Пахмоқ гули, сидирға, оқартирилган бўлиб, ундан момиқ ўйинчоқлар ясалади.

Ватин бир ёки икки томони таралган ип, жун, яримжун газлама бўлиб, ясалган ўйинчоқларни шаклга келтириш, ўйинчоқнинг ичини тўлдириш учун ишлатилади.

4. Ўйинчоқларни пардозлаш ва безаш.

Пардозлаш ва безашда фойдаланиладиган жиҳоз ва безаклар.

Пардозлаш ишлари ўйинчоқлар тайёр бўлгандан сўнг амалга оширилади. Ўйинчоқларни ортиқча иплардан тозалаб, мўйналарни авайлаб тараб чиқиш ва ҳақозолар пардозлаш ишларига киради.

Тикилган ўйинчоқларни кўринишларини бойитиш учун безак ишлари берилади. Ҳар хил юмшоқ ўйинчоқларни безаш учун мос келган жойларига мунчоқ ва ялтироқ тангачалар, пўкакчалардан безак берилади. Баъзи ўйинчоқларга қўнғироқчалар осиб мумкин. Ўйинчоқларнинг кийимларига рангларини уйғунлаштириб танланган чиройли материаллардан гуллар қирқиб

аппликациялар тикиб чиқиш, лента тасмалардан галстукчалар ва гулли безаклар тикилади.

5. Кучукча ўйинчоғини яшаш.

Дастлаб кучукчанинг расми чизиб олинади. Кейин ясалаётган ўйинчоқ турига қараб газлама танланади. Кучукчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қулоқ қисмлари андоза асосида тайёрланади.

Қоғоз картонга кучукча расми чизишиб, андоза тайёрланади. Икки хил рангли оқ ва чипор пахмоқ матодан бўйи 40 см катталиқда кучукчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қулоқ қисмларини бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз, бурун, оғизлари ўрнатилади. Шу тариқа кучукча ўйинчоғи тайёрланади.



6. Мушукча ўйинчоғини яшаш.

Авваламбор мушукча расмини чизиб оламиз ҳамда унга мос газлама танлаймиз. Мушукчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қулоқ қисмлари андозасини тайёрлаб, шу асосида ишга киришамиз.

Мушукчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қулоқ қисмларини андоза асосида бичиб, уларни алоҳида-алоҳида тикилади, барча тикилган қисмларига пахта солиниб ва уларни бир-бирига бирлаштириб тикилади.



7. Ўрдакча ўйинчоғини яшаш.

Биринчи бўлиб ўрдакчанинг расмини чизиш олиш лозим. Чизмага асосан газлама танланади. Чизма ёрдамида ўрдакчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қанот қисмлари андозаси тайёрланади.


Икки хил рангли матодан, яъни сариқ ва қизил ёки қора ва оқ рангли матодан бўйи 30 см катталиқда ўрдакчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қанот қисмлари бичиб олинади ва улар алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз ва тумшуғи ўрнатилади. Шу тариқа ўрдакча ўйинчоғи тайёр.



8. Оққуш ўйинчоғини яшаш.

Оққушнинг расмини чизиш. Газлама танлаш. Оққушнинг бош, тана, оёқ, дум ва қанот қисмлари андозасини олиш ва тикиш қоидалари.

Қоғоз картонга оққуш расми чизилиб, андоза тайёрланади. Оқ рангли матодан бўйи 60 см катталиқда оққушнинг бош, тана, оёқ, дум ва қанот қисмларини бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз ва тумшуғи ўрнатилади.



9. Тўтиқуш ўйинчоғини яшаш.

Тўтиқушнинг расмини чизиш. Газлама танлаш. Тўтиқушнинг бош, тана, оёқ, дум ва қанот қисмлари андозасини олиш ва тикиш қоидалари.

Қоғоз картонга тўтиқуш расми чизилиб, андоза тайёрланади. Икки хил рангли матодан, кўк ва оқ матодан бўйи 30 см катталиқда тўтиқушнинг бош, тана, оёқ, дум ва қанот қисмларини бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларига пахта солинади ҳамда улар бирлаштириб тикилади. Кўз, тумшук ва тожлари ўрнатилади.

10. Айиқча ўйинчоғини ясаш.

Айиқчанинг расмини чизиш. Газлама танлаш. Айиқчанинг бош, тана, оёқлари, дум ва қулоқ қисмлари андозасини олиш ва тикиш босқичлари.

Қоғоз картонга айиқча расми чизилиб, андоза тайёрланади. Пахмоқ ёки духобадан бўйи 50-60 см катталиқдаги айиқчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қулоқ қисмлари бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз, бурун, оғизлари ўрнатилади.



11. Кўргазма.

Йил давомида ҳар бир тўгарак аъзосининг ўзлари ясаган юмшоқ ўйинчоқлари намуналаридан кўргазма ташкил этилади.

“Юмшоқ ўйинчоқлар” тўғарагининг иккинчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув қўлланмаси

1. Кириш.

Ўйинчоқларни тайёрлаш халқларнинг урф-одатлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган. Масалан, юмшоқ ўйинчоқлар ўрмонга бой ҳудудларда дарахтлардан, соз тупроқли ерларда лойдан, пахта экиладиган жойларда эса турли хил газламалардан тайёрланган.

Мамлакатимиз ҳудудидан топилган ўйинчоқлар эрамизгача бўлган 2000-йилга тўғри келади. Улар турли хилдаги газламалардан тайёрланган ҳайвончалар, қўғирчоқлар ҳамда турли хилдаги рўзғор буюмлардан иборат бўлган.

2. Юмшоқ ўйинчоқларни безатишда ишлатиладиган мунчоқлар.

Тикилган ўйинчоқларни кўринишларини бойитиш учун безак ишлари берилади. Ҳар хил юмшоқ ўйинчоқларни безаш учун мос келган жойларига мунчоқ ва ялтироқ тангачалар, пукакчалардан безак берилади. Баъзи ўйинчоқларга қўнғироқчалар осиб мумкин. Ўйинчоқларнинг кийимларига рангларини уйғунлаштириб танланган чиройли материаллардан гуллар қирқиб аппликациялар тикиб чиқиш, лента тесмалардан галстукчалар ва гулли безаклар тикилади.



3. Хон қизи ўйинчоғини тайёрлаш.

Хонқизи расмини чизиш. Газлама танлаш. Хонқизининг бош, тана, қанот қисмлари андозасини олиш ва тикиш босқичлари.

Қоғоз картонга хонқизи расми чизилиб, андоза тайёрланади. Уч хил рангли матодан, яъни қизил, сариқ ва қора матодан бўйи 25 см катталиқда хонқизининг бош, тана, оёқ қисмлари бичиб олинади ва улар алоҳида-



алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз ва шохчаси ўрнатилади.

4. Қуёнча ўйинчоғини тайёрлаш.

Қуёнча расмини чизиш. Газлама танлаш. Қуёнчанинг бош, тана, оёқлари, дум ва қулоқ қисмлари андозасини олиш ва тикиш босқичлари.

Қоғоз картонга қуёнча расми чизилиб, андоза тайёрланади. Икки хил рангли оқ ва қизил матодан бўйи 40 см катталиқда қуёнчанинг бош, тана, оёқ, дум ва қулоқ қисмларини бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз, бурун, оғизлари ўрнатилади.



5. Тошбақа ўйинчоғини тайёрлаш.

Тошбақа расмини чизиш. Газлама танлаш. Тошбақанинг бош, тана, оёқлари, дум ва коса қисмлари андозасини олиш ва тикиш босқичлари.

Қоғоз картонга тошбақа расми чизилиб, андоза тайёрланади. Икки хил рангли оқ ва қора матодан бўйи 30 см катталиқда тошбақанинг бош, тана, оёқ, дум ва коса қисмларини бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз ва оғизи ўрнатилади.



6. Олтин балиқча ўйинчоғини тайёрлаш.

Олтин балиқча расмини чизиш. Газлама танлаш. Олтин балиқчанинг бош, тана, дум қисмлари андозасини олиш ва тикиш босқичлари. Қоғоз картонга олтин балиқча расми чизилиб, андоза тайёрланади. Икки хил рангли сариқ ва қизил матодан бўйи 25-30 см катталиқда олтин балиқчанинг танаси ва дум қисмлари бичиб



олинади ва улар алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўзлари ўрнатилади.

7. Маймунча ўйинчоғини тайёрлаш.

Маймунча расмини чизиш. Газлама танлаш. Маймунчанинг бош, тана, дум, оёқ, қўл ва қулоқ қисмлари андозасини олиш ва тикиш босқичлари.

Қоғоз картонга маймунча расми чизилиб, андоза тайёрланади. Икки хил рангли малла ва қора пахмоқ ёки духоба матодан бўйи 35-40 см катталиқдаги маймунчанинг бош, тана, дум, оёқ, қўл ва қулоқ қисмлари бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўз ва оғизи ўрнатилади.



8. Филча ўйинчоғини тайёрлаш.

Филча расмини чизиш. Газлама танлаш. Филчанинг бош, тана, дум, қулоқ, оёқлари ва хартум қисмлари андозасини олиш ва тикиш босқичлари.

Қоғоз картонга филча расми чизилиб, андоза тайёрланади. Кўк ёки жигарранг пахмоқ матодан бўйи 40-50 см катталиқда филчанинг бош, тана, дум, қулоқ, оёқлари ва хартум қисмларини бичиб олинади ва уларни алоҳида-алоҳида тикув машинасида тикилади, барча қисмларнинг учлари қолдирилиб тикилган деталларга пахта солинади ва уларни бирлаштириб тикилади. Кўзлари ўрнатилади.



9. Кўргазма.

Йил давомида ўқувчилар томонидан ясалган ўйинчоқлардан кўргазма тайёрлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1994
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар. - Т.: Ўзбекистон, 1995
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида”ги Қонунлари // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ матбаа - нашриёти, 1997.
5. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. “Таълим тараққиёти” 3-сон. 2011 йил.
6. Ю.Охунбобоев “Меҳр ва ихтиро билан” Самарқанд 1993
7. Н. Эгамов “Яшашни ўрган” Ўқитувчи 2000 йил
8. Ўзингиз қирқинг ва ясанг. Х. Эгамов. Тошкент 1996 йил

Электрон манба:

9. Ziyonet.uz
10. Barkamol.uz

Мундарижа

“Юмшоқ ўйинчоқлар” тўғарагининг биринчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув

қўлланмаси.....	3
1. Кириш.....	3
2. Тўғарак машғулотида фойдаланиладиган иш қуроллари ва техника хавфсизлиги қоидалари.....	3
3. Газлама танлаш ва андоза ёрдамида чизиб, тикиш.	4
4. Ўйинчоқларни пардозлаш ва безаш.	4
5. Кучукча ўйинчоғини яшаш.	5
6. Мушукча ўйинчоғини яшаш.	5
7. Ўрдакча ўйинчоғини яшаш.	6
8. Оққуш ўйинчоғини яшаш.	6
9. Тўтиқуш ўйинчоғини яшаш.	6
10. Айиқча ўйинчоғини яшаш.	7
11. Кўргазма.....	7

“Юмшоқ ўйинчоқлар” тўғарагининг иккинчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув

қўлланмаси	8
1. Кириш.....	8
2. Юмшоқ ўйинчоқларни безатишда ишлатиладиган мунчоқлар.	8
3. Хон қизи ўйинчоғини тайёрлаш.	8
4. Қуёнча ўйинчоғини тайёрлаш.	9
5. Тошбақа ўйинчоғини тайёрлаш.	9
6. Олтин балиқча ўйинчоғини тайёрлаш.	9
7. Маймунча ўйинчоғини тайёрлаш.	10
8. Филча ўйинчоғини тайёрлаш.	10
9. Кўргазма.....	11
Фойдаланилган адабиётлар	11